

ҚОРАМОЛ ВА ҚЎЙЛАР ИКСОДИДОЗЛАРИ

Пулотов Фахриддин Сайфиддинович, Рахимов Мухаммад Юнусович, Исмоилов Адхам Шухратович
Ветеринария илмий -тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш.

ИКСОДИДОЗЫ КРС И ОВЕЦ

Пулотов Фахриддин Сайфиддинович, Рахимов Мухаммад Юнусович, Исмоилов Адхам Шухратович Научно -
исследовательский институт ветеринарии, Республика Узбекистан, г. Самарканд

TXODTDOSES OF CATTLE AND SHEEP

Pulotov Fakhriddin Saifiddinovich, Rakhimov Mukhammad Yunusovich, Ismoilov Adkham Shuhratovich Scientific
Research Institute of Veterinary Medicine, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: adhamismoilovO1@gtmail.com

Резюме. 2022 йилда паразит каналар ва уларнинг мавсумий миграциясини ўрганиш маъсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ектопаразитларнинг, хусусан, каналарнинг мавсумий уаракати (ендемик миграция) 15 кунга кечикиб кетганлиги маълум бўлди. Асосан *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis*, *Dermacentor*, аргасид каналардан *Ornithodoros* (*Alveonassus lahorensis*) авлодига тегишли каналар аниқланган.

Калит сўзлар: Санитария, эпидемиология, кана, миграция, эндемик, инсектоакарицид, таъсир, хайвонлар, зообиосенос.

Abstract. In the year of 2022 in the result of researches carried out against parasite mites and in order to study their seasonal migration it was found out that the seasonal movement (endemic migration) of ecto parasites, particularly mites was late for 15 days. There were defined mites related to the generation of mainly *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis*, *Dermacentor*, from argasid ticks *Ornithodoros* (*Alveonassus lahorensis*).

Key words: Sanitary, epidemiology, insect, mite, migration, therapy, isectoacaricide, effect, parasite, zoobiocenoses.

Кирриш: Давлатимиз томонидан аҳолини гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш, қолайверса аҳолини санитария-эпидемиологик ҳолатини барқарорлаштириш муаммоси долзарб қилиб қўйилмоқда.

Дунё миқёсида сўнгги йилларда ноқулай экологик омиллар таъсирида қишлоқ хўжалик хайвонлари организми табиий резистентлигининг пасайиб кетиши оқибатида қорамоллар иксод каналари ареалининг кенгайиши, шунингдек эпизоотологик жараённинг фаоллашуви кузатилмоқда. Хусусан, экотон ва экотопларда текинхўр бўғимоёқлилар туркумига (*Arthropoda*) мансуб каналар (*Arachnidae*, *Acari*) кенг тарқалган бўлиб, ушбу паразитлар аҳоли ва чорва хайвонларининг трансмиссив-инфекцион, вирусли трансмиссив-паразитар касалликларни тарқатувчилари сифатида ҳам хавфлидир. Шу нуқтаи назардан дунёда қон сўрувчи паразитларга қарши кураш, улар билан зарарланган хайвонларга тезкор ташхис қўйиш ва олдини олиш усуллари тақомиллаштириш ишлари, янги акарицид препаратларни ишлаб чиқаришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бироқ чорвачиликни ривожлантиришда талайгина тўсиқлар борки, хайвонлар миграциясининг ошиши билан эндемик каналарнинг тарқалиш ареаллари ҳам кенгаймоқда. Фермаларда хавфли трансмиссив касалликларни Vector ' тарқатувчилари пайдо бўлмоқда. Бу борада қорамолчилик ва қўйчилик фермалари кўпроқ талофат кўрмоқда. Шундай экан, зарарли турларнинг популяцион динамикасини уларнинг ялпи қўпайиб кетишини прогноз қилиш ҳамда зообиоценозларни биологик барқарорлигини

регуляция қилиш чораларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мақсад: Қорамол ва қўйларда иксод каналарининг мавсумий ҳаракатини (тарқалишини) ўрганиш. Янги инсектоакарицид препаратларнинг паразитоцид самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти: Шахсий, хусусий аҳоли қарамоғидаги қорамол ва қўйлар ҳамда уларнинг танасида паразитлик қиладиган *Ixod* каналари. *Ixod* каналарига қарши курашишда суми-альфа ва каратин 50 пиретроидларини ўрганиш.

Тадқиқот услуби: Терилган эктопаразитлар тури арахноэнтмология лабораториясида қўлланма ва аниқлагич жадваллар ёрдамида «Определитель пухоедов Mallophaga домашних животных», «Атлас иксодидных клещей», «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека» ҳамда бошқа махсус адабиётлар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқот натижалари: Январь ойида «Тепакшлоқ» ва «Ўртақишлоқ» маҳаллалари хўжаликларида мавжуд шахсий қорамоллардан 30 бош текширилди ва улардан 12 боши (40%) *Trichodektes bovis* (битлар, сочхўрлар)

эктопаразитлари билан зарарланганлиги маълум бўлди. Бу молларнинг барчаси суми-альфа 20 % ли препаратининг 0,012% ли ишчи (сувли) эритмаси билан дориланди (териси юзасига пуркалди).

Дориланган моллар 3 кун давомида кузатилди, 2 кундан сўнг 100% паразит нобуд бўлди. Препаратни қўллаш жараёнида ҳаво ҳарорати +15+20° ни ташкил этди. Кузатувлар мобайнида дориланган моллар физиологик ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланмади.

Эктопаразитларга қарши чорва молларни текшириш мобайнида шахсий ҳамда хусусий хўжаликларда мавжуд қорамолларни сақлаш, озиклантириш, озикаларнинг тозалиги ва уларни сақлаш шароитлари ҳам ўрганилди.

Февраль ойида 15 та хўжаликда мавжуд 40 бош қорамол паразитологик текширилди. Текширишлар мобайнида шахсий хўжаликларнинг бирида 3 бош қорамолдан 1 бош сигир ва 2 бош новвосда псороптоз касаллиги аниқланди (100%).

Бу моллар суми-альфа препаратининг 0,012% да (2 л/бош) ишчи эритмаси билан пуркаш усулида дориланди. Моллар 5 кун мобайнида кузатилди. Касалликнинг сусайганлиги кузатилди. 5 кундан сўнг моллар қайта дориланди. 10 кун мобайнида касаллик аломатлари бутунлай йўқолди. Қайта дориланган юқори терапевтик самара кўрсатди (100%).

Март ойида ectoparasitларга қарши “Тепакшлок”, “Ўртақшлок” ҳамда “Боғизоғон” маҳаллаларидаги шахсий хусусий хўжаликларда мавжуд 53 бош қорамол текширилди ва 4 бош қорамолда *Trichodektes bovis* (битлар, сочхўрлар) ectoparasitлари аниқланди ва 10 бош моллар танасида кам миқдорда каналар борлиги кузатилди. Улардан намуналар олинди ва лаборатория шароитида микроскопик, морфологик текширишлар ўтказилиб, паразитлар турлари аниқланди (*Hyalomma*, *Rhipicephalus*). Бу молларга суми-альфа препаратидан 0,012% ли (2- 3 л/б ҳажмда) ишчи эритма тайёрланиб териси юзасига пуркаш усулида қўлланилди. Моллар 3 кун мобайнида кузатилди, ҳайвонлар каналардан 100 фоиз озод бўлди.

Апрель, май ойида чорва молларининг ectoparasitларига қарши синов тажрибалари

мобайнида жами 61 бош қорамол текширилди ва 18 бош молларда паразит каналар топилди. Асосан, *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. Bursa*, *Rh. turanicus*) авлодларига мансуб турлар аниқланди. 15 бош моллар бовиколёз (*Bovicola bovis*), сифункулятоз (*Linognathus vituli*) касаликлари билан касалланганлиги аниқланди. Молларни даволашда суми-альфа 20% к.э. (0,012% с.э.) ҳамда каратин 50 (5%) к.э. 0,003% сувли эритмаси қўлланилгач, 3 кунда инсектицид ва акарицид самараси 100 фоизни ташкил этди.

2022 йилнинг январь февраль ойларида ectoparasitларга қарши чорва молларини текширишлар мобайнида ectoparasitларнинг ҳаракати сустиги аниқланди. 2022 йилда *Ixod* каналарнинг мавсумий ҳаракати март ойининг бошларида бошланиб апрель, май ойларида фаоллашганлиги аниқланди.



Расм 1. Петри идишидаги иксод каналари

Июнь, июль, август, сентябрь ойларида “Боғизоғон”, “Тепакшлок”, “Ўртақшлок”, “Файзиобод” маҳаллалари ҳамда “Зарафшон” воҳаси шахсий хўжаликларида мавжуд 250 бош қорамол ва 80 бош қўйлар ectoparasitларга қарши текширилди. Мавжуд қорамоллардан 200 (80 %) бош ва 65 (81,25 %) бош қўйлар каналар билан зарарланганлиги аниқланди, Асосан *Haemaphysalis*, *Dermacentor*, *Rhipicephalus*, *Hyalomma* авлодларига мансуб кон сўрувчи каналар кенг тарқалганлиги аниқланди

Жадвал 1. Қорамолларда аниқланган каналар ва улар томонидан чакириладиган иксодидоз касалликлар

Ҳайвон тури	Тарқалган зоопаразитлар тури	Диагностика қилинган паразитар касалликлар номлари
Қорамолларда	<i>Hyalomma anatolicum</i>	хиаломмоз
	<i>Hyalomma plumbeum</i>	хиаломмоз
	<i>Hyalomma detritum</i>	хиаломмоз
	<i>Rhipicephalus bursa</i>	рипицефалёз
	<i>Rhipicephalus turanicus</i>	рипицефалёз
	<i>Dermacentor marginatus</i>	дермацентороз
	<i>Rhipicephalus sanguineus</i>	рипицефалёз




Рис. 2. *Rh. turanicus* канасининг дорсал ҳамда вентрал қисмининг микроскопик кўриниши

Бу молларга суми-альфа препаратидан 0,012% ли ишчи эритмаси тайёрланиб териси юзасига (2-3 л/б ҳажмда) пуркаш усулида сепилди. Моллар 3 кун мобайнида кузатилди, препаратнинг барча каналарга нисбатан акарицид самараси 100 фоизни ташкил этди.

Каратин 50 (5%) пиретроид препаратининг 0,003% сувли эритмасини қорамол тери юзасига пуркаш ва тукиш усулида қўлланилди. Қўйларнинг бели устига (умуртқа поғонасининг бўйин қисмидан думғазагача) ҳар бир қўйга 500 мл/бош ишчи эритма тайёрланиб сепилди. Ҳайвонлар 4 кун мобайнида кузатилди ва 3 кундан сўнг препарат самарадорлиги 100 фоизни ташкил этди.

Октябрь, ноябрь ойларида 60 бош қорамол текширилди ва олиб борилган тадқиқотлар жараёнида 35 (58,3 %) бош қорамоллар оз миқдорда *Hyalomma*, *Rhipicephalus*, *Haemaphysalis* авлодларига мансуб каналар билан зарарланганлиги аниқланди.

Хулоса: 2022 йилда паразит каналарга қарши ҳамда уларнинг мавсумий ҳаракатини ўрганиш мақсадида олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, эктопаразитларнинг хусусан каналарнинг мавсумий ҳаракати (эндемик миграцияси) 15 кунга фаоллашганлиги аниқланди. Хўжаликларда мавжуд қорамол ва қўйларни *Ixod* каналарига нисбатан кузатувлар мобайнида асосан *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis*, *Dermacentor* кана турлари аниқланди. Хонадонларда эса *Argas* каналаридан *Ornithodoros* (*Alveonassus lahorensis*) авлодларига мансуб каналар ҳаракати аниқланди. Ушбу касалликлардан даволашда янги пиретроид, инсектоакарицид препаратларининг инсектицид ва акарицидлик самараси исботланди. Хонадонларда *Alveonassus lahorensis* каналари олиб борилган илмий-тадқиқотларда эндемик ҳаракати аниқланди. Суми-альфа, каратин пиретроидлари дориланган ҳайвонларнинг физиологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмади.

Адабиётлар:

1. Благовещенский Д.И. "Определитель пухоедов (Mallophaga) домашних животных". Фауна СССР. М.-Л.: изд. АН СССР, 1940.
2. Штакельберг А.А. «Синантропные двукрылые фауны СССР». Издательство академии наук СССР, Москва, Ленинград: - 1956.
3. Беклемишев В.Н. «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека». Государственное издательство медицинской литературы, Медгиз. Москва: - 1958,
4. Агринский Н.И. Насекомые и клещи вредящие, сельскохозяйственным животным. Москва: - 1962.
5. И.М. Ганиев, А.А. Аливердиев «Атлас иксодидных клещей» Издательство «колос» Москва. 1968 г.
6. Э.Х. Эргашев, Ж.Ш. Шопўлатов «Паразитология», «Ўқитувчи нашриёти», 1981 й.
7. Абуладзе К.И, Демидов Н.В, Непоклонов А.А, Никольский С.Н, Павлов Н.В, Степанов А.В. Паразитология и инвазионные болезни сельскохозяйственных животных. Москва, во «Агропромиздат», 1990.
8. Рўзимуродов А. «Эволюция конуниятлари ва зообиохилмахиллик» «Зарафшон» нашриёти ДК, Самарканд, 2008.

ИКСОДИДОЗЫ КРС И ОВЕЦ

Пулотов Ф.С., Рахимов М.Ю., Исмаилов А. Ш.

Резюме. В 2022 году в результате исследований паразитарных клещей и с целью изучения их сезонной миграции было установлено, что сезонное перемещение (эндемичная миграция) эктопаразитов, в частности клещей, запаздывает на 15 дней. Определены клещи, относящиеся к поколению преимущественно *Hyalomma* (*H. anatolicum*, *H. plumbeum*, *H. scupense*, *H. detritum*), *Rhipicephalus* (*Rh. bursa*, *Rh. turanicus*), *Haemaphysalis*, *Dermacentor*, от аргасидовых клещей *Ornithodoros* (*Alveonassus lahorensis*).

Ключевые слова: Санитария, эпидемиология, клещи, миграция, эндемик, инсектоакарицид, эффект, животные, зообиоценоз.